



# Юртимга йил бўйи меҳр-мурувват, Халқимга келтирсин файзу барокам!



Куч — адолатда



# АДОЛАТ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОЙ-СИЁСIIY BA ХУҚУҚIIY ГАЗЕТАСИ

Газета 1998 йил  
22 февралдан чиқа бошлаган

2003 йил  
31 декабрь

№ 52  
(443)

ГАЗЕТА ХАФТАНИНГ  
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

Сотувда эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСIIY КЕНГАШИНING XI ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

25 декабрь куни Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг XI пленуми бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби, академик Турғунпўлат Даминов бошқарди.

Пленумда Сиёсий Кенгаш аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар партия Кенгашларининг биринчи ва иккинчи котиблари иштирок этди.

Пленум қатнашчилари кун тартибига киритилган «Иккинчи чакirik Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIII сессияси яқунлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси барча бўғиндаги партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов мажлислари ва конференцияларини ўтказиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят Кенгашларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлигига бўладиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш юзасидан тадбирлар режаси тўғрисида»ги масалаларни қизғин муҳокама қилди. Биринчи масала юзасидан маъруза қилган партия Сиёсий Кенгашининг котиби, Олий Мажлиси депутати Дилором Тошмухамедова Олий Мажлис ўн учинчи сессиясининг партиянинг ҳаётида тутган ўрнига тўхталиб, жумладан қуйидагиларни қайд этди:

— Олий Мажлисининг мазкур сессияси ҳам шубҳасиз, ривожланган бозор иқтисодиётига йўналтирилган демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг негизини яратиш юзасидан парламент олиб бораётган соҳибқадар ишларнинг наватдаги намунаси бўлди.

Унда қабул қилинган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар жамиятни ислоҳ қилишнинг, ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг асосий воситасига, давлат миқёсидаги вазифаларни ҳал этишнинг таъсирчан омилга айланди.

Фракциянинг сессияда ниятда фаол қатнашди. Барча қонун лойиҳалари, айниқса, иқтисодиётга оид қонун лойиҳалари фракциянинг кенг ва атироғлиқа муҳокама қилинди. Билдирилган барча тақлифлар инobatга олиниши учун ўз қарашларимизни жиддий ҳимоя қилдик ва бунга эришдик.

Энди наватдаги вазифамиз бу қонунларнинг мақсад-моҳиятини фуқароларга етказиш, улар билан учрашиб, ўрта ва кичик ҳусусий бизнесни раванқ топтиришга қаратилган қўлайлик, имтиёзларни кўпчиликлга тўла тушунтиришдан иборат.

Партиянинг сиёсатининг бош принципи адолат экан, бу тушунчани қарор топтириш учун энг аввало аҳолининг ҳуқуқий онги, савиясини оширишга жиддий эътибор қаратишимиз лозим. Фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини аввало ўзлари чукун англаб етсалар, уларнинг ўзлари ўз ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимоясига айланидилар. Бу борада улар бирон-бир ташкилот ёхуд идора томонидан камситиш сезсалар, ёки, уларнинг ҳуқуқлари бузилса, у ҳолда партия фуқароларга ёрдам бериши зарур.

Шу ўринда партиянинг матбуотининг самарали ишлаши ҳамда фуқароларнинг хат ва муносабатларига партиянинг тезкор ва фаол муносабати зарур бўлади.

## ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСIIY КЕНГАШИ XI ПЛЕНУМИНИНГ

«Иккинчи чакirik Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIII сессияси яқунлари ҳақида»ги масала юзасидан

### ҚАРОРИ

Пленум муҳокамасига қўйилган Сиёсий Кенгаш котиби Д.Тошмухамедованинг «Иккинчи чакirik Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIII сессияси яқунлари ҳақида»ги масала юзасидан қилган маърузасини эшитиш ҳамда маъруза муҳокама қилиш ҳамда маъруза партия дошларининг фикрларини инobatга олиб, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг XI Пленуми

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Сиёсий Кенгаш котиби Д.Тошмухамедованинг «Иккинчи чакirik Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIII сессияси яқунлари ҳақида» қилган маърузасида келтирилган фикр-мулоҳазалар ахборот учун қабул қилинсин, сессиядаги Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримовнинг маърузаси барча партия ташкилотларида ўрганиб чиқилсин.

Юртбошимиз Ислон Каримов таъбири билан айтганда: «Қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган меъёрий ҳужжатларни ҳаёта жорий қилишда давлат ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини қўлайтириш муҳим аҳамият касб этади. Биз «Адолат» — қонун устуворлигида» деган ҳаётий тамойилга қатъий амал қилиб яшашимиз зарур».

Шундай экан, бу масалаларни ҳал қилишнинг аниқ механизми ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2004 йил мўхтарам Президентимиз томонидан «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинди. Демакки, партиянинг ижтимоий ҳимояга мўхтож қатламга эътиборини янада кенгроқ қаратиши лозим. Шу муносабат билан, партиянинг ўзининг маҳсус тадбирлар дастурини ишлаб чиқиши зарур деб ўйлайман. Энг асосийси эса, кейинги йил — сайловлар йили. Бу сайловларда партиянинг ниятда фаол иштирок этиши, ўзининг янада жиқлигини, мустақамлигини, қучини намоён этиши лозим.

Шундай экан, биз партиянинг халқ ичидига обрўси, нуфузини оширишга қаратилган жиддий ҳаракатлар, тадбирлар ўтказишимиз, халқнинг ичига кенгроқ кириб боришимиз зарур. Партиянинг сайловолди дастурини ҳам ҳозирданок ишлаб чиқишга киришишимиз керак. Партиянинг ҳар бир аъзоси бу ишга фидойилик билан ёндашмоғи шарт деб ҳисоблайман. Шундагина биз халқ ишончини қозонишимиз, наватдаги сайловларда кўпчиликл овозини эгаллашимиз мумкин.

«Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси барча бўғиндаги партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов мажлислари ва конференцияларини ўтказиш тўғрисида»ги масала, айниқса, бугунги кундаги энг муҳим ишлардан биридир. Бу ҳақда маъруза қилган партия Сиёсий Кенгашининг иккинчи котиби Абдували Фуломмаҳмудов пленум қатнашчиларининг эътиборини қуйидагиларга қаратди:

— Партиянинг, унинг тузилмалари ўз олдига турган ташкилий масалаларни ҳал этдилар, ғоявий-сиёсий қарашларни аниқлаб олдидлар, кўппартиявийлик шариоитида оммавий ишларни олиб бориш, сайловларда иштирок этиш борасида тажриба орттирдилар, парламентчилик фаолияти сир-асорларини ўрганишнинг бошланғич мактабини ўтадилар. Ҳозирда улар ушбу соҳаларда янги марраларни забт этиш саъй-ҳаракатлари билан машғул бўлишмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримовнинг шу йилнинг 7 октябры куни мамлакатимизда тузилаётган янги — либерал демократик партия ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашувида айтган қуйидаги сўзлари ҳаммамиз учун муҳим дастуриламалдир:

«Кўппартиявийлик шариоитида ҳар қандай партия ва ҳаракат жамият ва халқ орасида обрў топиш эвазига, авваломбор, сайловолди ва сайлов даврида ўз ғоялари, дастури ва амалий ишлар билан сайловчиларни ортидан эргаштири олиш ва кўпроқ овоз тўплаш ҳисобида қонунчилик (Давоми 2-бетда)

## ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСIIY КЕНГАШИ XI ПЛЕНУМИНИНГ

«Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси барча бўғиндаги партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов мажлислари ва конференцияларини ўтказиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят Кенгашларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлигига бўладиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш юзасидан тадбирлар режаси тўғрисида»ги масалалари юзасидан

### ҚАРОРИ

Р.Хайдаров, Х.Нўъмонов, А.Темиров, Ш.Юсупов, Р.Аҳмедов, Х.Қўлбидинов, Ш.Қудратов — гуруҳ аъзолари.

5. Партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлигига бўладиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш юзасидан қуйидаги таркибда ишчи гуруҳи тузилсин:

Д.Тошмухамедова — раис, Р.Хайдаров — раис ўринбосари, О.Олимжонов, М.Азимова, Н.Нурматов, П.Пармонова, Х.Содиқова, Р.Аҳмадалиев, Ж.Алибеков — гуруҳ аъзолари.

6. Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича қуйидаги Сиёсий Кенгаш аъзолари ҳисобот-сайлов конференцияларини ва йиғилишларини ўтказиш юзасидан масъул этиб тайинлансинлар:

Қорақалпоғистон Республикаси — Р.Хайдаров. Тошкент шаҳри — А.Фуломмаҳмудов. Андижон вилояти — Х.Нўъмонов. Бухоро вилояти — А.Фуломмаҳмудов. Жиззах вилояти — А.Жўрабоев. Навоий вилояти — Р.Хайдаров. Наманган вилояти — Д.Тошмухамедова. Самарқанд вилояти — А.Жўрабоев. Сирдарё вилояти — Д.Тошмухамедова. Сурхондарё вилояти — Т.Даминов. Тошкент вилояти — Т.Жўраев. Фарғона вилояти — Р.Аҳмадалиев. Хоразм вилояти — Т.Даминов. Қашқадарё вилояти — Н.Нурматов.

7. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси дастурининг янги таҳрири ва сайловолди дастури Сиёсий Кенгаш котиби А.Жўрабоев раислигида ва Т.Жўраев раис ўринбосарлигида ишчи гуруҳи тузилсин. Ишчи гуруҳи таркиби тайинланган гуруҳ раиси ва унинг ўринбосари томонидан кейинги Сиёсий Кенгаш Пленумига ишлаб чиқилсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Сиёсий Кенгаш котибияти зиммасига юклатилсин.



«Президент арчаси» — Меҳр ва мурувват дарчаси.

## КУН ЧИҚАР МАМЛАКАТ САХОВАТИ

Мамлакатимизда 1995-2003 йиллар давомида Япония ҳукуматининг бегараз кўмаги доирасида 8 миллион 10 миң АҚШ доллари миқдоридида 152 та лойиҳаси амалга оширилди.

Япония элчихонаси вакилининг таъкидлашча, 96 та лойиҳа умумтаълим мактабларига, 27 та лойиҳа даволаш муассасаларига, 9 та лойиҳа иқтисодлаштирилган ҳамда ногирон болалар мактабларини техник-моддий жиҳатдан жиҳозлашга йўналтирилди.

Ижтимоий йўналишдаги кичик миқёсда лойиҳалар орасида 13 та лойиҳа нодавлат ташкилотларни қўллаб-

қувватлашга, 4та лойиҳа чекли қишлоқ ва туманларни ичимлик суви ҳамда табиий газ билан таъминлашга йўналтирилди. 1995 йилдан 1999 йилгача ижтимоий йўналишда олти лойиҳа молиялаштирилган бўлса, 2000 йилга келиб уларнинг сони 26 тага етди.

Япония ҳукумати томонидан мамлакатимизнинг таълим, тиббиёт каби соҳалардан ташқари, фуқаролар фаровон-

### «Туркистон-пресс»

Очилини айтиш керак: Тошкент вилоят партия ташкилоти Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг энг обрўли ташкилотларидан бири. Бу ерда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар кўпчилигини қувонтиради. Муаммоларни ўз жойида ҳал этишга бўлган жиддий муносабат, қолаверса, партия фаолиятини бугунги талаблар даражасида юритишга бўлган алоҳида эътибор эндиликда вилоят партия ташкилотининг обрў-эътиборини оширишга хизмат қилмоқда. Ўз навбатида вилоят партия Кенгаши олдига турган вазифаларга ҳам жиддий муносабатда бўлмоқда. Тошкент вилоят партия Кенгашининг кунги кеча бўлиб ўтган VI пленумида бу ҳақда алоҳида таъкидлаб ўтилди. Партиянинг обрў-эътиборини бундан ҳам ошириш, қолаверса, халқ орасига кенгроқ кириб бориш учун янги ҳаётда ишчи гуруҳи таъкидлаб ўтилди. Пленумда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIII сессияси яқунлари ҳақида «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси барча бўғиндаги партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов мажлислари ва конференцияларини ўтказиш тўғрисида»ги масала юзасидан қилган маърузасини эшитиш ҳамда маъруза муҳокама қилиш ҳамда маъруза партия дошларининг фикрларини инobatга олиб, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг XI Пленуми

## ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСIIY КЕНГАШИНING БАРЧА ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИГА, ХАЙРИХОҲЛАРИГА, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛКИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Мана, янги икки миңг йилликнинг юртимизда «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинган учинчи йили ҳам ниятсизга етиб, 2004 йил — Президентимиз томонидан эълон қилинган «Меҳр ва мурувват йили» ҳам кириб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, тугаётган йил халқимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўчмас из қолдирди. Айниқса, бу йилда партиянинг сафлари янги аъзолар ҳисобига кенгайди. Жойлардаги бошланғич партия ташкилотларимизнинг ишчанлиги орди. Ташкилий ва ғоявий жиҳатдан мустақамланди.

Кириб келаётган янги йил партиянинг учун катта синовлар, партиянинг барча бўғинларида бўлиб ўтадиган ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва ҳокимият маҳаллий вакиллик органларига ўтказиладиган сайловлар йилидир. Бу партиянинг аъзолари ва ташкилотларидан улкан масъулият, катта қуч ва ғайрат талаб этади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши партиянинг барча ташкилотлари бу синовлардан муваффақиятли ўтадилар ва сайловларда партиянинг мавқеи ҳамда салоҳиятига мос ютуқларга эришадилар, деб умид қилади.

Янги йил ҳар доимгидек Сизларга сийхат-саломатлик, бахту саодат, тинчлик-хотиржамлик ва осойишталик келтирсин!

Янги йилда хонадонингиздан қут-барака аримасин!  
Дастурхонингиз тўкин, бахтингиз бутун бўлсин,  
АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Ўзбекистон «Адолат»  
социал-демократик партияси  
Сиёсий Кенгаши.

## ЯНГИ ЙИЛ ОҚШОМИ

Яна бир йил ўтди,  
орта — қайтмас йўл —  
Тарихга айланмиш кечаги ҳаёт.  
Ғарчанд юракларда шодлик ҳисси мўл,  
Умр, бу — тўқилиб, ўқилган баёт.

Янги деб аталган йил ҳам аслида  
Эски фалсафанинг давоми эрур.  
Муваффақият, улаймоқ, лиймоқ фалсида  
Бунинг ифодаси ақол кўринур.

Йил сайин улғайган ёшимни санаб,  
Ўттиз ёшга қараб қадам қўйдим мен.  
Илгирма тўқиз йил ўзимни алдаб,  
Орта қолаверган дамни сўйдим мен.

О, дамлар!  
Нечонги қадрдондирсиз,  
Минг таассуф, учрашмоқ фурсати бўлмас.  
Фақат хотирамда қолдириб кўп из,  
Кўз олдимда пайдо бўлурсиз элас.

Хар тонгини зўр қувонч билан қаршилаб,  
Шомнинг қўчоғида кўргамиз ўши.  
Қачон кўзгу узра юзга аяшдилаб,  
Тикилиб, қаттароқ очғамиз кўзини.

Гўё қўна тўндан қутулган мисол  
Эски деб ҳар йилни кузатамиз шод.  
Умрининг ўтгани келмайди малол,  
Деймиз, оққан сувдан бог бўлур обод.

Шеърим — дилга яқин ҳамроз ва таскин,  
Қанот бўлмай токи олдда кўп сарҳад.  
Одамлар,  
Умр ҳам бамисли қачин,  
Эзгулик уруғин ўстиринг фақат!!

Сафар ОЛЛОЁР.

## ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ЗАРУР

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилоят Кенгашининг VI пленумида бу даъват бежиз жаранлагани йўқ



нинг VI пленумида бу ҳаётий талабларга алоҳида эътибор қаратилди. Вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби Турғун Эргашев пленум кун тартибидида Иккинчи чакirik Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIII сессияси яқунлари ҳақида «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси барча бўғиндаги партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов мажлислари ва конференцияларини ўтказиш тўғрисида»ги масала юзасидан қилган маърузасини эшитиш ҳамда маъруза муҳокама қилиш ҳамда маъруза партия дошларининг фикрларини инobatга олиб, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг XI Пленуми

Пленумда Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг иккинчи котиби Абдували Фуломмаҳмудов таъбири билан айтганда: «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси барча бўғиндаги партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов мажлислари ва конференцияларини ўтказиш тўғрисида»ги масала юзасидан қилган маърузасини эшитиш ҳамда маъруза муҳокама қилиш ҳамда маъруза партия дошларининг фикрларини инobatга олиб, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг XI Пленуми

Пленумда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Рустам АХМАДАЛИЕВ,  
«Адолат» муҳбири.

Суратда: пленум иштирокчиларидан бир гуруҳи танаффус пайтида.

## ЎЗБЕКИСТОН “АДОЛАТ” СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИНИНГ XI ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ва ижро ҳокимиятларига ўз вакилларини ўтказиш ва шулар орқали ўз олдига мақсад қилиб қўйган ғоя ва интилишларни амалга ошириш билан ўзини намоён қилиши табиий.

Шу талабларга жавоб бермайдиган, амалий ҳаёт билан боғланмаган, ҳавойи интилишлар, фактгина чиройли, лекин курак дават ва чакриқлар билан яшайдиган сиёсий куч эса — у партия бўладими, ижтимоий ҳаракат бўладими — охири-оқибатда инқирозга юз тутди ва халқ назаридан қолади», дея эътироф этди Юртбошимиз.

Яхши маълумки, бундай жараёнларда ҳисобот-сайлов анжуманларининг ўрни бекиёс. Бундай анжуманлар партия ташкилотларининг фаолиятини таҳлил этишга, уларнинг иш натижаларини кўриб чиқишга, қолаверса фаоллиги ва сиёсий етуқлигини баҳолашга ҳамда шу ташкилотларни ташкилий жиҳатдан мустахкамлашга қаратилган энг муҳим тadbир, десак муболага бўлмайди, — дея таъкидлади нотиқ.

Уни ҳар томонлама ошқора ва уюшқоқлик билан ўтказиш партиямиз сафийни мустахкамлашга, партияни сиёсий етук, ишбилармон, шижоатли кадрлар билан тўлдирishга имкон беради. Шу боисдан ҳам ҳисобот-сайлов анжуманларини олдидан муфассал ишлаб чиқилган режа асосида олиб борсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Маърузада ҳисобот-сайловларни уюшқоқлик билан ҳар томонлама пухта ўтказиш ва партия-мизнинг 3-қурултойига пухта тайёргарлик кўриш юзасидан қилинадиган ишлар муфассал кўрсатиб берилди.

Қайд этилган тadbирларнинг муваффақиятли бажарилиши партиямиз



қурултойининг муваффақиятли ўтишининг бош омилдир, — деди нотиқ сўзининг охирида.

Партия Сиёсий Кенгашининг котиби Равшан Ҳайдаровнинг Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят Кенгашларининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлигига бўладиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш юзасидан тadbирлар режаси тўғрисида”ги маърузасини ҳам қатнашчилар катта қизиқиш билан тингладилар. Нотиқ алоҳида таъкидлаб ўтганидек,

партия Сиёсий Кенгашининг пленуми янги — 2004 йилга бир неча кун қолган пайтда бўлиб ўтмоқда. Бу янги йил янги икки палатали парламентга ва давлат ҳокимияти вакиллик органларининг вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлигига сайловлар ўтказиладиган йилдир. Халқимиз, давлатимиз учун ниҳоятда катта, тарихий аҳамиятга эга бўлган бу сиёсий тadbир сайловларнинг асосий ижрочиси ва ҳаракатлантувчи кучи бўлган сиёсий партиялар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Бунга яхши тушунган Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ташкилотлари жамиятимизни демократлаштиришдаги бу муҳим тadbирни олдингисидан муваффақиятлироқ

ўтказиш тараддудини кўрмоқда.

Олдинги маълумотлардан яхши маълумки, — дейди партия Сиёсий Кенгаши котиби Равшан Ҳайдаров. — Сайловлардаги муваффақият кўп жиҳатдан унга пухта тайёргарлик кўришга боғлиқдир. Ўз навбатида бу ҳар томонлама муфассал ишлаб чиқилган режага боғлиқ.

Партия Сиёсий Кенгаши котибиятида ушбу масала кўзгич муҳокама этилди.

Таклиф этилаётган тadbирлар режаси бугунги Пленумда муҳокама қилинаётган ҳисобот-сайлов мажлиси ва конференциялар режасини, шунингдек, фуқароларни партиянинг мақсад ва вазифалари, унинг дастури, партия фаоллари ва депутатликка номзодлари билан таништириш, тарғибот ишларини, де-

округи бўйича партия сайлов штабларини тузишни ва бу штабга халқ орасида яхши танилган, шижоатли партия фаолларини бириктиришни таклиф этар эдим.

Кўриниб турибдики, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш юзасидан тadbирлар режасига қирадиган ишлар кўлами жуда катта. Бу ишларни олиб бориш учун жойларда вилоят ва шаҳар кенгашлари томонидан, марказда Сиёсий Кенгаш томонидан сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари тузилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Музокараларда сўзга чиққан Самарканд вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби Жуманиёз Алибеков, партия Сиёсий Кенгаши аъзоси, академик Тўхтамурод Жўраев ва бошқалар маърузаларни кўлаб-қувватлаб маъқулладилар ҳамда партия ташкилотлари ишини янада яхшилаш, ҳисобот-сайлов йиғилишларига, бўлажак сайловларга ҳар томонлама уюшқоқлик билан пухта тайёргарлик кўришга боғлиқ фикр-мулоҳазаларни ўртага ташладилар. Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг янги тахрирдаги Низомини ишлаб чиқиш, сайловолди дастурини тайёрлаш, партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларини ўтказиш ҳамда партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлигига бўладиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари тузилди.

Пленумда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Суратларда:**  
плениумдан лавҳалар.

Козим УЛМАСОВ  
олган суратлар.

### “БАЛИҚЧИ-ТЕКС” ИШГА ТУШДИ

Андижонда йилга беш тонна ип-газлама ишлаб чиқариш қувватига эга “Балиқчи-текс” Ўзбекистон-Германия-Швейцария қўшма корхонаси ишга тушди.


Корхона “Балиқчигўйимачи”, Швейцариянинг “Витали-шульц” ва Германиянинг “Герман-штейер” компаниялари ҳамкорлигида ташкил этилди. Корхона Ташкилоти фаолият миллий банки кредити эвазига 6,8 миллион доллар қийматидаги замонавий ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланди.

Корхонадаги маҳаллий ёшларга замонавий дастгоҳларда ишлашни ўргатиш учун Германия, Чехия ва Хитойдан келган мутахассислар яқиндан кўмаклашмоқда. Хозирда уч юздан ортиқ маҳаллий аҳоли иш билан таъминланди. Келажақда тўқимачилик ва буюқчилик цехи ишга туширилса иш ўринлари яна бир ярим бараварга кўпаяди.

Корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг олтинчи фоизини экспорт қилиш режалаштирилмоқда.

“Туркистон-пресс”.

### ПОЙТАХТЛИКЛАРГА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК




Тошкент шаҳри аҳолиси янги йил арафасида бир неча қулайликларга эга бўлдилар. Хусусан, “Қўйлик деҳқон бозори”да 230 ўринли гўшт павильони фойдаланишга топширилди. Павильонда қассоблар учун ҳам, хариддорлар учун ҳам барча қулайликлар яратилган. Қўй, мол, парранда гўшлари учун алоҳида-алоҳида жой ажратилган. Қазиларни эса белгиланган жойдан танлаб харид қилиш мумкин. Бозордаги ветеринария лабораторияси ходимлари эса сотилаётган маҳсулотни доимо синчковлик билан назорат қилиб боришмоқда.

Шунингдек, “Авиасозлар бозори” очик акционерлик жамияти томонидан байрам арафасида ишга туширилган 216 та савдо дўкони элга хизмат қилмоқда. Айни пайтда бу бозорда бўлган киши ундаги саранжом-саришталикни кўриб мамнун бўлиши шубҳасиз.

**СУРАТЛАРДА:** 1. “Қўйлик деҳқон бозори” акциядорлик жамияти ветеринария лабораторияси мудири Анвар Рихсиев сотилаётган гўшт сифатини кўздан кечирмоқда. 2. “Авиасозлар бозори”даги янги савдо дўконлари.

К. УЛМАСОВ олган суратлар.



## АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРAT “ПАХТА БАНК”НИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ



бутун Ўзбекистон халқини, мижозларини  
Янги 2004 йил байрами билан муборакбод этади.

*Шу азиз Ватан, Она замин бағрида яшайётган инсонларнинг  
оиласига тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик тилайди.  
Барчангизни келгуси “МЕХР-МУРУВВАТ” йилида ҳам  
“Пахта банк” билан ўзаро манфаватли ҳамкорлик қилишингизни,  
яхши ният ила жалғарган нур маблагларингизни унинг фойзли  
амонатларида сақлашингизни истайди.  
Зеро, “ПАХТА БАНК” Сизнинг банкингиз,  
у албатта, фаровонлик қилибдир.*

Сизга омад ва бахт ёр бўлсин!  
ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУФ КЕЛСИН,  
АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!



Дарҳақиқат, ўзбек автоси — Нексия Боготнинг кенг ва раво йўлларида елдек учибораркан, биз бу гапга янада ишонч ҳосил қилиб борардик. Зеро, ўнгу сўлимизда кузак билан хайрлаша туриб, сўнгги япроқларинида тўкишга тайёр турган азим тераклар, савдо дўконлари, миллий услубда қурилган маҳалла гузарлари, ҳашаматли бинолар, боғу ҳибонлар ажиб бир улғуворлик касб этиб турарди.

Урганча чиқа туриб, туман ҳокими билан телефонда кечган суҳбатимизни эсладик.

— Биласизми, — деганди у киши, — Президентимиз ҳоразмлик деҳқоннинг ҳар бир кунини қаҳрамонликка ментзаганларида биз боготликларни ҳам назарда тутганликларини билдан хис қиламиз. Тўғри, бизда бир туп кўчати парваришларнинг ўзи бўлмайди. Аммо шундай бўлса ҳам бизнинг Боготимиз аллақачон бўстонга айланган, зеро ҳар бир боготликнинг ўзи бир боғбон. Хуллас, боготликлар ҳақида ёзишнингизга арзирли ишларимиз кўп.

Шундай қилиб мана биз Боготдамиз. Бу туман кўча Хоразмнинг жанубий шарқиде жойлашган. Жанубдан Туркменистон, шимолдан Қорақалпоғистон Республикаси шарқдан эса Хазорас, ғарбдан Янгиариқ ҳамда Хонка туманларига чегарадош. Унинг ҳудудида жойлашган 11 та қишлоқ ва Богот шаҳридаги 72 та маҳаллада 118 минг 856 нафар киши истикомат қилади. Ишга яроқли 59 минг кишининг 42 минг 600 нафари халқ ҳўжалигида банд. Қолган аҳоли 16 минг 642 гектар мўйдонда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш билан шўғулланишади. Айни дамда фаолият юритаётган 315 та фермернинг, айниқса, зарар билан ишлаётгани учун 1999 йилда фермерлар ҳўжалигига айлантирилган собиқ Оғахий ширкат ҳўжалиги ўрнида фаолият юритаётган 101 та фермер ҳўжалигининг бутунги натижалари таҳсинга лойиқ. Масалан, дастлабки йилларда бу ерда пахта ҳосилдорлиги 17-20 центнерни ташкил этган бўлса, ҳозирга келиб бу кўрсаткич 25 центнердан ошди. Бўғдой, шўли ва пиллачиликдан кўтарилган хирмон ҳам юксалиш, ўнғлашилдан дарак бераётир. Туман миқёсида эришилган натижалар эса чакки эмас. Масалан, 2003 йилда 3124

гектарга экилган бўғдойнинг давлатга сотиш режаси 5994 тонна бўлган бўлса, унинг миқдори 6076 тоннани ташкил этди. Қурилган даромад 743 миллион 372 минг сўмга етди. Ўз навбатида уйилган ялпи хирмон 198 минг 40 тоннадан ошиб кетди. Боготлик деҳқоннинг омбори дон билан тўлди.

— 2003 йил биз хоразмликларни, хусусан, Богот аҳлини сийлади, — дейди Богот туман ҳокими Рўзибой Бекчонов. — Чўнки ёгин мўл ёғди. Азим Жайхун ҳар йилгидан кўра тўлиб оқди. Шундан ҳам нафақат деҳқончиликда, балки чорвачиликда

### Эътироф

ард 834 миллион 863 минг сўмлик маҳсулот қайта ишланди. Бу 2002 йилнинг шу даврига нисбатан 258 минг 688 сўм кўп демакдир. Ёки "Богот-Дон" очик турдаги ҳиссадорлик жамиятини олайлик. Бу ерда ҳам жорий йил учун белгиланган режа топшириги юз фоизга бажарилди. Шунингдек, туманимизда фаолият кўрсатаётган "Хива" қўшма корхонаси 40 миллион 418 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, йиллик режани муваффақиятли бажарди.

йўлга қўйилган. Айни пайтда бу ерда "Богот" ва "Ёшлик" универмаги ҳамда битта улгуржи бозор, "Наврўз", "Чаман", "Бешариқ" сингари савдо марказлари ишлаб турибди. Умумий овқатланиш, озиқ-овқат ишлаб чиқариш, хусусий савдо корхоналари ҳамда яқка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорларнинг савдо иши ҳам баракали кечаётир. Умуман туман бўйича 510 миллион сўмга яқин савдо хизмати кўрсатилганининг ўзиёқ, бу соҳа ривожидан дарак бе-

минг сўмга удалашди. Бу кўрсаткич фоиз ҳисобида 278 фоизни ташкил этди. Айниқса, 282-МПМК корхонаси ўз олдига қўйган 13 миллион сўмлик режани 1050 фоиз ҳолда, яъни 136 миллион 522 минг сўм қилиб бажарди.

Хуллас, юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, туманда ишлаб чиқарувчи соҳалар ривожига яқин йўлга қўйилган. Ҳўш, у ҳолда ижтимоий соҳанинг аҳоли нечоғли?

— Туманимизда 51 та умумтаълим мактаби, 1та кам таъминланган ўқувчилар мактаб-интернати, 2 та иқтидорли болалар лицейи, 4 та касб-хуна-

миллион 436 минг сўмга қайта таъмирлаб ишга туширилган қишлоқ врачлик пунктининг ўзига 160 миллион сўмлик чет эл тиббий ускуналарининг келтирилиши туманда аҳоли саломатлигини сақлашга алоҳида эътибор берилаётганлигидан далолатдир. Ёки маҳаллаларда 30 дан зиёд сартарошхона, 34 та савдо дўкони, шу жумладан "Пахтакор" маҳалласида болалар спорт майдони, "Қорабоғ" ва "Месетбўйи" маҳаллаларида "оталар чойхонаси" ва маҳалла гузарларининг ишга туширилиши, албатта, таҳсинга лойиқ. Биз юқорида санаб ўтган



### САМАРҚАНДА ЁШЛАР САРОЙИ

Ёшлар муаммосини ҳал этиш, уларнинг ижтимоий ҳаётидаги фаоллигини ошириш, яратувчанлик ишларида раҳбарлик қилишга аҳли-лангирш мамлакат тақдирини учун муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Самарқанд вилоят ҳокимлиги ана шу ҳўлосадан келиб чиққан ҳолда ёшларни ташаббускорликка ундайдиган, уларнинг кўн-гайратларини анжамил қилишга йўналтириладиган салмоқли тадбирларни амалга оширмоқда.

Яқинда Самарқанд шаҳрининг Марказий истироҳат ботида янги, муқашам ёшлар саройи биноси қуриб фойдаланишга топширилган. Фикримизнинг далилидир. Бундай ҳашаматли қошонанинг ёшлар иштиёрига бериб қўйилишидан асосий мақсад ўқувчи-талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қўмақлашиш, иқидий режалар билан шўғулланишларида кенг шароит яратишдан иборат.

Замонавий меъмориликнинг энг яқин намуналарини ўзида мужассамлаштирган ёшлар марказида турли учрашулар, йиғилишлар ўтказиш учун катта зал жўхозланган. Унинг ёнида чет эл меҳмонларини қабул қилиш, матбуот анжуманлари ўтказиш учун шинам хона мавжуд. Бинонинг бир қисмида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят кенгаши жойлашган. Шунингдек, ёшлар клуби, компьютер ўқув маркази, кўрағазмалар зали ҳам юксак дид билан безатилган. Бинода ҳаваскор ёшлар телестудияси иш бошлаганлиги марказининг тарғибот-ташвиқот ишларида нечоғли масъулият билан ёндошаётганлигини кўрсатади. Бинода шўниси аҳамиятлики, Самарқанд шаҳрида шу чўққача тарқоқ ҳолда фаолият қўриб келаётган миллий-маданий марказлар энди янги бинода ўзаро ҳамжиҳатликда ишлаб тарбиявий соҳада ҳамкорликни қўчайтирмоқдалар.

Ёшлар саройининг қисқа вақтда қурилиб фойдаланишга топширилишида "Қаттақўрғонёғмо" ҳиссадорлик жамияти ва бошқа кўплаб корхона-ташкилотлар ўзларининг салмоқли улушларини қўшдилар.

Самарқанд ижтимоий-маданий ҳаётида салмоқли асоқвага айланган ёшлар марказининг очилиш тантаналарида эса республика пойтахти ва вилоятдаги нуфузли идоралар вакиллари, шўиру-санъаткорлар, қўрувчи, талабалар иштароқ этиб шўндай қўрқам тасканлар ҳамда жўйда кўпроқ бунёд этилишига тилак билдирдилар.

Зоҳир ТўРАКУЛОВ, "Адолат" мухбири.

# БОГОТ — БЎСТОН, БОГОТЛИК — БОҒБОН

— дейди Хоразм вилояти Богот тумани ҳокими Рўзибой БЕКЧОНОВ



ҳам ўзига хос ютуқларга эришдик.

Дарҳақиқат, ҳокимнинг бу гапларини мана бу рақамлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, туманда 2002 йилга нисбатан 11 минг 193 тонна кўп, яъни жами 40 минг 380 тонна гўшт ишлаб чиқарилди. Сўт ишлаб чиқариш эса аввалги йилга нисбатан 28266 тонна кўп, яъни 263 минг 202 тоннага етказилди. Етти хазинанинг бири — парранданиликдан эса, 5007 минг дона тухум олинди. Айни дамда туманда 37918 бош қўрамоқ, шу жумладан 16062 бош сўғир, 34640 бош қўй-қўзи, 133224 та товуқ боқилмоқда.

— Туманимизда нафақат қишлоқ ҳўжалиги, балки саноат корхоналари ривожига ҳам яқин йўлга қўйилган, — дейди Богот тумани ҳокими-нинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Эрназар Худойбергенов. — Масалан, биргина "Богот" пахта тозалаш акционерлик жамиятининг ўзида жорий йилнинг 1 декабрига қадар режадаги 2 миллиард 834 миллион 763 минг сўм ўрнига 2 милли-

ард 834 миллион 863 минг сўмлик маҳсулот қайта ишланди. Бу 2002 йилнинг шу даврига нисбатан 258 минг 688 сўм кўп демакдир. Ёки "Богот-Дон" очик турдаги ҳиссадорлик жамиятини олайлик. Бу ерда ҳам жорий йил учун белгиланган режа топшириги юз фоизга бажарилди. Шунингдек, туманимизда фаолият кўрсатаётган "Хива" қўшма корхонаси 40 миллион 418 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, йиллик режани муваффақиятли бажарди.

Уз навбатида туманда аҳолига сифатли савдо хизмати кўрсатиш ҳам яқин

риб турибди.

Айтгандай, Богот — қишлоқ туман эмасми, шу боис бу ерда жойлашган чекка қишлоқ ва маҳаллаларда яшовчиларга ҳам ҳеч бўлмаганда ижтимоий аҳамиятга молик озиқ ва нооziқ-овқат маҳсулотларини узлуксиз етказиб беришни тақозо этади. Шунинг учун бу масала доимо туман раҳбарларининг диққат марказида туради. Айтиш жоизки, ҳозирга қадар тумандаги маҳаллаларда жойлашган савдо дўконларида 125 тонна ун, 26 тонна ўсимлик ёғи, 22 тонна шаккар, 5,6 тонна чой, 6,1 тонна макорон ҳамда 4 минг донна гўгурт етказиб берилди.

Айтгандай яна бир гап. Биз юқорида Богот тумани кўндан кўнга чиroy очаетгани, миллий услубда нақшикор бинолар қад ростлаётгани ҳақида айтиб ўтган эдик. Албатта, бу ишларни амалга оширилишида туман қўрилиш ташкилотларининг ўзига хос ўрни бор. Зеро, улар жорий йилда белгиланган 710 миллион 450 минг сўмлик режани 1 миллиард 976 миллион 564

коллежи, спорт мактаби ва спорт интернати шўнингдек болалар ва ўсимирлар ижодиёт маркази ва қолаверса 29 та болалар боғчаси ёш авлодни бағрига олган бўлса, 265 ўринли шифохона халқимиз хизматида, — дейди туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Озод Рўзиметов. — Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, бизнинг туманимизда ҳам бу борада бир қатор хайрли ишлар қилинмоқда. Масалан, айни пайтда 20 минг ўринли 3 та йирик стадион, 34 та спорт зали, 52 та спорт майдончаларида 217 та спорт тўғараклари ишлаб турибди. Бу масканларда малакали спорт мурраббийлари ёшларимизни соғлом вояга етиши учун тинмай ҳаракат қилишмоқда.

Дарҳақиқат, "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларида боготлик спортчилар 5 та олтин ва 5 та кумуш медални қўлга киритганлигининг ўзиёқ тасдиқлайди. Қолаверса, Қўлон-қорабоғ қишлоғида 2

ишлар меҳнаткаш, шижоатли боготликларнинг "Обод маҳалла" йилида амалга оширган ишлари. Улар янги 2004 йил — "Меҳр ва муруват йили"ни ҳам кўпдан кўп эзгу мақсадлар билан қўтиб олишга шайлар.

Бу ҳам албатта яқини ятлар, улўғ мақсадларнинг шарофати. Туманнинг ишларнинг гулгун чехралари ҳам ҳар қачонгидан-да яшанган. Янги йил арафасида тўйлар, шоду хўррамликлар авжига чикаяпти. Демак, янги йил ҳам ўзига хос тарзда бошланмоқда. Меҳр мурувату, хайру саховатнинг шарофати ила олийҳиммат кишилару сахий ташкилотларнинг, ҳиммати баланд боготликларнинг янги умидларига йўл очилмоқда. Богот — ривожланишнинг ойдин йўлидан дунёга юз бурмоқда.

Рустам ДОСТОН, Сайид ОЛИМ, "Адолат"нинг махсус мухбирлари.

Суратларда: туман ҳокими Рўзибой Бекчонов; бутунги Богот.

## “УРГАТЧШАРОБ” ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барга юртдошларимизни янги 2004 йил билан  
самимий ва қизгин муборакбод этади.  
Барганкизга бахт-саодат, муқтаҳкам соғлиқ,  
фаровонлик, ҳаётда ва меҳнатда зафарлар,  
хонадонинкизга тинчлик-ҳотиржамлик, қўт-барақа тилайди.

### АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Биз хоразмликлар, қўлаб-яшнаётган  
Ўзбекистонимизнинг ҳар бир ютирида

ўзимизга хос ҳиссамиз борлигидан беҳад фаҳрланамиз.

Шўндан ҳам барча ватандошларимиз қўтири мамлакатимиз муқтақиллиги  
янада муқтаҳкам бўлишини чин қилдан истаймиз.

Янги йилда ушаммаган орзуларимиз рўёбга чиқсин!

Бў йил ҳаммамиз қўн меҳр-муруватли, қўтлуғ келсин!

### БАЙРАМИНГИЗ ҚУТАЎҒ БЎЛСИН!

# ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ



Янги — 2004 йилга янги орзу-қийдаҳ билан қадам қўяётган Сиз,  
азиз юртидошларни байрам билан самимий муқорабдоқ этади.



Адолат ғояларига, қонун  
устуворлиги, фуқаролар  
манфаатларига асосланган  
ҳуқуқий демократик давлат  
барпо этиш, мамлакатимизни  
янада обод, гуллаб-яшнаган  
дёрға айлантириш йўлидаги  
ҳамкорлигимиз, изланиш-  
нигилишларимиз, албатта, ўз  
меваларини беради, деб  
ишонамиз.

Ҳамма замонларда нондек азиз, виждондек муқаддас бўлиб келган  
Адолат ҳар ишда яқин ҳамроҳимиз, мададкоримиз бўлсин!

## Фахр МИЛЛИЙ ЭСТРАДАМИЗНИ ДУНЁ ТИНГЛАГАЙ

Тошкент эстрада ва цирк коллежи шу соҳада нафақат республика-мизда, балки Марказий Осиёда ҳам ягона таълим даргоҳи ҳисобланади. Бу ерда эстрада ва цирк санъати сирларини ўрганган юзлаб ёшлар бугунги кунда ўз соҳасида малакали фаолият кўрсатишмоқда. Яна қанча ёшлар айни пайтда шу масканнинг илм толибларидир. Бир сўз билан айтганда, устоз-шогирдлик анъанаси изчил давом этмоқда.

Мазкур коллеж раҳбари, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Шухрат Юсупов билан суҳбатимиз ҳам айнан шу хусусда бўлди.

— Шухрат ака, неча йилдан бери ёшлар билан ишлаб келясиз?

— Санъат — катта даргоҳ. Бу даргоҳга кирган киши унга бир умр боғланиб қолади. Мен ҳам ёшларимдан шу соҳага қизиққанман. 1974 йилдан буён талаба-ёшларга санъат соҳасида сабоқ бериб келяман. Дастлаб Тошкент давлат маданият институтининг оркестр-дирижёрлик кафедрасида ўқитувчилик қилдим. Кўплаб шогирдлар етиштирдим. Уларнинг айримлари таниқли санъаткор даражасига қўтарилган, коллеж ва лицейларда мусиқа йўналишида дарс бераётганлариям бор.

— Ўз фаолиятингизни неча йўналишдан иборат деб ҳисоблайсиз?

— Асосан уч йўналиш, деган бўлардим. Биринчиси, талабаларга мутахассислик бериш бўлса, иккинчиси — бу иходий ишларим, учинчиси эса илмий фаолиятим, яъни бир қатор илмий иттибоқлар, ўқув дастурлари ёзганман.

— Қарийб ўттиз йиллик умрингизни ёшлар камолоти бағишлабсиз. Бунга ҳаётим мазмунини деяр оласизми?

— Ҳаётим мазмунини шундан иборатки, санъатнинг сирларини пухта ўргатиш, қобилиятли ёшларни рўёбга чиқариш, миллий кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўиш, мустақил миллий эстрада жари буйича етук мутахассислар тайёрлаш. Асосий мақсадим шу. Орзуга айб йўқ, дейдилар. Миллий эстрадамизни жаҳонга таништириш ва кўрсатишни ният қилгандик. Бугунги кунда шунга эришишга муваффақ бўляпмиз. Масалан, «Азат» гуруҳимиз шу йил Юрмалада ўтказилган «Янги тўқин» жаҳон мусиқа фестивалида муваффақиятли иштирок этди. Қолаверса, бир қатор ўқувчи-ўқувчиларимиз давлат аҳамиятига молик бўлган тадбирларда қатнашиб келишпти. Шунингдек, «Шоа» гуруҳимиз ихроқчилик маҳорати, намоёиш этилган асарларнинг мазмундорлиги, миллий мусиқа санъатининг энг яхши анъаналарини замонавий услубда ривожлантиришга интилаётгани учун «Умид юлдузлари» фестивалининг дипломи билан тақдирланди. Шундай талантли талабаларимиздан хонандалар Бомурод Меликов, Саодат Раҳматуллаева, Рақоса Лола Жумаева, цирк бўлиминдан Оксана Шариповалар ҳам қобилиятларини тўла намоён этишпти. Янада қувонарлиси шундаки, бундай истеъдодли ёшлар сандимизда талайгина. Уларнинг қамолоти учун ҳамкорлик қилишни бурчим деб биламан.

— Ҳар кун эрталаб ишга келаётганингизда бошингиздан қандай ўй-хаёллар кечади?



— Ростини айтсам, коллежни иситишдан тортиб, талабалар давоматию, ўқитувчиларнинг етарли даражада дарс беришигача эрталабдан бош қотираман. Шу мақсадда барча аудиторияларни бирма-бир айланиб, назорат қиламан, сўнгра дарсларга кириб, дарс савиясини текшираман. Янги асарлардан сабоқ бериш йўллариини ўйлайман. Булар ҳар кунлик эрталабки одатимга айланган.

— Ишдан қайтаётганда кўнглингизда бир кунлик иш фаолиятингиздан қониқиб ҳосил қиласизми?

— Албатта, чунки эрталаб ўз олдимга қўйган мақсадлар амалга ошяпти. Шунинг учун уйга қониқиб билан бораман, лекин эртасига яна энгир режалар билан келаман. Тўғри, баъзан кўнглим рақислар ҳам бўлиб туради. Барибир иходий ишда муваффақиятга эришамиз. Негаки, ҳамма ишни ўзаро кенгашиб ҳал қиламиз. Хусусан, ҳозиргина ёш эстрада хонандалари кўрик-танловига тайёргарлик кўриш бўйича жамоамиз билан маслаҳатлашиб олдик.

— Устозлик шарафимиз ё масъулиятми?

— Аввало масъулият. Лекин ишнинг ҳосили бўлса, унда шараф бўлиши мумкин. Биз ёш авлодга шундай сабоқ берамизки, улар бу соҳада ҳеч бир халқ вақиларидан кам бўлмасин.

— Устозлик тўғрисида юқори қўясизми ёки оталик масъулиятини?

— Менимча, устоз оталик қилиши керак, яъни шогирдларини фарзанд деб билиши лозим. Унга ҳар жихатдан ғамхўрлик қилиши ҳам фарз, ҳам қарз. Баъзан тарбияси нўноқ ёшлар ҳам талабалар сафига кириб қолади. Уларга ҳам оталарча насихатлар бериб, йўл-йўриқлар кўрсатиб, тўғри йўлга бошлашимиз.

— Кейинги режаларингиз қандай?

— Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтиришни қўзда тутяпмиз. Ҳозирги кунда коллеж-миз худудидидаги бўш жойларда янги бино қурилиши учун Маданият ишлари вазирлиги билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қарори чиққан. Шу иш амалга ошса, фаолиятимиз янада яхши йўлга тушиб олади ва айни пайтда яхши бир дастур режасини тузаямиз. Унга қўра Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан ҳамкорликда бадий-ғоявий жихатдан мукамал асарлар ижод қилиб, ўқувчиларимизга ўргатишни ўз олдимизга бош мақсад қилиб қўймоқдамиз. Бу услуб билан миллий эстрада санъатимиз равангага янада кўпроқ ҳисса қўшамиз, деб ўйлайман.

Суҳбатдош: Сафар АЛИ,

«Адолат» муҳбири

У дейди: «Асосий мақадим — мақом сирларини устозлардан чуқур ўрганиб, келажак авлодга бус-бутун етказишда хизмат ва ижод қилиш». Бу гап бир қарашда ҳавойидек, бир қарашда эса «анъанавий»дек туюлади. Гап мақом ҳақида кетяптими, демак, бир ҳаваскор санъаткор айтибди-да, деган ҳаёлга бориш мумкин. Бироқ миллий мусиқамизнинг ўзагини ташкил этадиган бу соҳага катта иштиёқ билан кириб келаётган ёш санъаткорнинг ҳар қайсиси ҳам ўз олдига бундай залворли мақсадни қўя олмайди. Негаки, бунинг учун биргина ҳавас ёки иштиёқнинг ўзи камлик қилишини қўлига соз олиб кўрган ҳар қандай киши аниқ-тиниқ ҳис этади.

Гап шундаки, асл санъаткорнинг кўнглига мусиқа дунёси болалигидан яқин бўлади. Иккинчи, Яратганининг ўзи бундай инсоннинг қўлига бир чимдим «чў» солиб қўйган бўлади, шекарли. Шу маънода марйолонлик ёш санъаткор Комил Аҳмадалиев ҳам шундай «чў» соҳиб бўлса, не ажаб.

Мақаб оstonасига ilk қадамларини ташлаган Комилни тез орада мусиқа сехри оҳанрабодек ўзига тортиди. Шу боисдан у дастлаб Марғилон шаҳар 2-мусиқа мактабиди, сўнгра Фарғона санъат билим юртида гижжақ сози бўйича таълим олди. У илмга қаттиқ қиришди. Бунинг учун вақт ҳам топди, тоқат ҳам топди. Бу

Ҳаёл суриб ўтирган эдим бирдан телефоннинг жингиллаши мени ўчатиб юборди, аста телефон гўштини олдим.

— Алло, ассалому алайкум — деган овоз эшитилди. — Менга Шодиев Шавкат керак эди.

— Ха, бу мен.

— Халиги, менга телефон рақамингизни беришувди, сиз бозорда пальто сотар экансиз, шундайми?

— Ха, шундай — дедим.

— Менга ўша сиз сотаётган пальтодан юз дон керак.

— Юзта дедингизми? — Қўлогимга ишонмай яна сўрадим.

— Албатта, юзта. Мен қўшни республикаларга обориб сотар эдим. Ҳозир бир доимий харидоримга зарур экан. Шунини иложи бори?

— Ха, ха, албатта — дедим севинчим ичимга сиймай, — фақат юз дон ҳазилакам эмас. Икки кун керак бўлади.

— Йўқ, Шавкатжон, харидор нозик одам, айниб қолиши мумкин.

— Баҳосини келишиб олсак.

— Сиз 50 мингдан сотаётган экансиз. Мен сиздан 60 мингдан оламан.

— А, сиз қанчадан сотасиз?

— дедим қизиқиб.

— Бу — менининг ишим, розимисиз ёки йўқми?

— Ха, розиман.

## Ёшлар овози

### МАҚСАД ИЗЧИЛ БЎЛСА...

тиришқоқлиги уни аста-секин исмига хос қомилликка етаклади. Қомил тинимсиз меҳнатининг тотли мевасини талабалик давридаёқ татиб кўришга мумкин бўлди. 1991 йилда Ўзбекистон минтақавий 3-мақом ихроқчилиги танловида III-даражали диплом ва лауреат унвони билан тақдирланди. Бу ҳол катта санъат даргоҳига интилангил илм толибига ўзига хос босқич вазифасини ўташ билан бирга янада фидойироқ бўлишга ўлдоччи дада ҳам бўлди. Самараси қўнғилидек, у Ўзбекистон давлат Консерваториясининг «Анъанавий мақом ихроқчилиги» бўлимида мусиқа сир-асорларини янада пухтароқ ўрганмоқда. Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат ва жаҳият қўрилиш академияси «Мозий» мақом ансамблида фаолият юритмоқда.

Мақсад изчил бўлса, ютқулар ҳам изма-из, босқичма-босқич ҳамроқ бўлаверади кишига. Бу ҳол ҳаётда қўн бор исботини топган. Халқимизда «Интилангил толе ёр» деган нақл билан айнан худди шундай изчил мақсадлар ифода этилади.

Яқинда Қомил Аҳмадалиев ҳаётда яна бир қувонарли воқеа рўй берди. 2-11 декабрь кўнлари бўлиб ўтган академик Юнус Ражабий номи VI-Ўзбекистон мақом ихроқчилари кўрик-танловида



лауреат унвони ҳамда Маданият ишлари вазирлигининг II-даражали дипломи билан тақдирланди. Албатта, ўтаётган йил сурури қаҳрамонимизга янги йилда ҳам илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади, деб умид қиламиз. Зотан, ундаги интилиш ва изланишлар айнан шунини тақозо этади.

Яна бир гап. Мақом — халқимизнинг асплар оша сайқалланиб, мукамаллашган миллий мусиқа даргоҳидир. Бу даргоҳга ихлос қўйган киши завоқ кўрмайди.

Худойёр ЭШБОЕВ.

## Янги йил хандаси

### АВВАЛИГА "МАЙЛИ", КЕЙИНГИГА "ВОЙ-БҮ"



Эртага янги йил дейдиган кўни Шарифжон шаҳардаги энг намунали сартарошхонага борди. У креслога ўтириш билан сартарош майин товушда ундан сўради:

— Сочингизни пардозлаб, соқолингизни оламанми?

— Майли! — деди Шарифжон рўбарўдаги кўзуга қараб.

— Иккала чеккангизни ҳам қираманми?

— Майли!

— Сочингизниюиб, қуритайинми?

— Майли.

— Компресс ҳам қилайинми?

— Массаж-чи, массаж?

— Майли!

— Хушбўй антиқа атир сепайинми?

— Майли!

— Марҳамат, биродор! Гўлдек очилиб кетдингиз. Энди хизмат ҳақи икки минг олти юз сўм, кассага учран!

— Вой-бў!

Олим ҚҲҚОРБЕКОВ.

## ҚИММАТГА ТУШГАН ҲАЗИМ

(Байрам ҳангомаси)

— Эшитишимча, Бешқайроғоч даҳасида турар экансиз, ўша ерда Султон ака чойхонасидида ўтиришимиз бор. Ўша ерда уч-рашсак.

— Ия, зўр бўлар эди. Менинг уйим ёнгинасидида-ку.

— Бўлмаса ярим соатдан сўнг ўша ерда учрашамиз. Мен 12-02 "Жигули" машинасидида бўламан. Хайр.

Хайр — дедим севинчим ичимга сиймай. Ахир, бозорда 50 мингдан дегани билан 40 мингдан зўрға сотилаётган пальтодан бирдангига 100 дон олса-я, яна нархини айтмайсизми. Фабрикада пальто 35 минг, дарҳол кўнғироқ қилдим. Аксига олиб у ерда пальто йўқ экан. Менга келганда доим шундай: пальто бўлса, харидор бўлмайди, харидор бўлса, пальто топилмайди.

Бозордаги шеригимнинг уяли телефонида кўнғироқ қилиб, пальтолари қолганларини сотмасдан, яна бозордаги пальтолари 50 мингдан бўлса ҳам юзта сотиб олиб, тезда уйга



олиб қилишни қаттиқ тайинладим. Ўзим эса чойхона олдига бориб, ҳамма машинага кўз ташлаб чикдим. 12-02 русумли машина ҳали келмабди. Шу он оқ

«Запорожец» машинасини юкюнасиғача пальтога тўлдириб шеригим етиб келди.

— Нима, тинчликми? — деди ховлиқиб.

— Харидор топдим 60 мингдан 100 та олар экан, сенда неча дон қолган эди.

— 4 та эди, 1 та сотдим.

— Бошқа сотиб олдингми?

— Ха, бозордаги бориини 50 мингдан сотиб олдим. 85 та бор экан.

— Ха, яхши қилибсан, ҳзир келиб қилиши керак.

Вақт ўтган сайин юрагимни ваҳима босиб, кўзимга ҳамма машина ўша «Жигули» бўлиб қўрина бошлади. Келишган вақтдан бир соат ўтди. Чойхонадан яқин дўстим Олим аста чикиб келди.

— Ха, дўстим, анчадан бери кўринмайсан? — деди ўзини қўлгидан аранг тийиб.

Совуққина сўрашдим, чунки юрагимга қил ҳам сиймас эди.

— Тинчликми, кўзинг олазрак. Кир ичкарига, бир ўтириб

байрам қиламиз. «Йўқ» дейишимга қарамай мени ичкарига судраб кетди. Катта сўрида синфдошларим «Янги йил» байрамини биргаликда «чойхонача ош» билан қўтишаётган эди. Ҳамма билан сўрашиб улгурмай Нормат:

— Бизга қўшилсанг бўлмай-дими? — деди гинадор оҳангда.

— Ахир, бола-чақа фақат унда бор — деди Эшмат гапта аралашиб. Олим пиллани тўлдириб, «оки»дан қўйди-да, «оп» дея ишора қилди.

— Йўқ, дўстим, ҳзир мени олдимга бир нозик одам келиши керак, — дедим пиллани секин столга қўйиб, — билсан, савдо ишидаман.

Олим пиллани бамайилхотир қўлимага қайтариб:

— Ол, ич, «12-02» келмайди — деди муғомбирона илжайиб.

Ҳамма хоҳлаб қилиб юборди.

— Нима? «12-02»ни сен қардан биласан? — дедим анграйиб.

— Э, қўйилман, ўз дўстининг овозини танимасанг, ахир, мен кўнғироқ қилиб, ҳазиллашиб чакиртирган эдим. Сени бир кўргимиз келувди...

Хислат ПЎЛАТОВ.

Газетамизнинг навбатдаги сони 2004 йил 9 январда чиқади.



Муассис:  
Ўзбекистон  
«Адолат»  
СДП Сийсий  
Кенгаши ва  
«Адолат»  
газетаси  
ижодий  
жамоаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Рустам АҲМАДАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тургунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОМҲАМДУДОВ, Анвар ЖЎРАБОВ,  
Равшан ХАЙДАРОВ, Каримжон РИХСИЕВ (бош муҳаррир ўринбасари),

Бобоқул ТОШЕВ, Рустам АЗИМОВ, Тургун ЭРҒАШЕВ,  
Абдусамад МАМАЖОНОВ, Ўткир ЖЎРАЕВ, Муҳаммад РАҲМОН,  
Низомиддин НУРМатов, Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Зоҳир ТЎРАКУЛОВ.

Мулоқот учун  
телефонлар:

Қабулхона — 136-53-14  
Факс: (8.371) 133-41-89  
Хатлар бўлими — 136-55-96.

МАНЗИЛИМИЗ:  
700047, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета Ўзбекистон  
Республикаси Давлат  
Матбуот қўмитасидан  
140 рақам билан  
руйхатдан ўтган.  
Буюртма Г— 100,  
Адади 1821  
Ҳажми—2 табоқ,  
Офсет усулида  
босилган.  
Қоғоз бичими А—2

«Шарк» нашриёт - матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида chop этилади.  
Корхона манзили: «Буюк Тўр»  
кўчаси, 41.

Саҳифаловчи —  
Аслиддин БҮРИЕВ

Навбатчи—  
Сафар ОЛЛОЕВОВ

Газета IBM компьютерида терилди.

Босишга топшириш вақти:—0.00.

• Муаллиф фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин. • Реклама ва эълонлар ҳаққончилиги учун буюртма берувчи масъулдир. • «Адолат»дан кўчириб босиб фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади. • Газетанинг сифатли босилишига босмахона масъул. • Қўлғишлар эълонларга қайтарилмайди ва жавоб берилмайди.